

Термиз шаҳридаги муҳташам Санъат саройида "Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!" шиори остида ўтказилган таълим анжуманида вилоятдаги умумтаълим мактабларининг бир гуруҳ фидойи ўқитувчи ва мураббийлари, шунингдек олий таълим муассасалари ректорлари таклиф қилинди.



Хусусан, педагог ходимларнинг касбий салоҳияти ва маҳоратлари, ўқувчиларнинг билим самарадорлигини ошириб, сифат кўрсаткичини яхшилаш каби масалаларга тўхталиб ўтилди.

Тадбир давомида бир гуруҳ фидойи ўқитувчиларга ҳокимликнинг эсдалик совғалари топширилди. Вилоят мусиқали драма театри жамоаси томонидан Эркин Хушвақтовнинг "Андишали келинчак" пьесаси асосида сахналаштирилган спектакль барчага манзур бўлди.